

## ИҚТИСОДЧИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ: ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

Мамажонов Икромжон Ганижонович  
ТДАУ Андижон филиали катта ўқитувчиси,  
E-mail: [mamajonov.1976@mail.ru](mailto:mamajonov.1976@mail.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақолада иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг ҳуқуқий – меъёрий асослари, мутахассислар тайёрлаш жараёнида эришилган натижалар, иқтисодчилар тайёрлаш механизмнинг меъёрий асослари, тизим ривожланишининг устувор йўналишлари, мутахассислар тайёрлашда фан, таълим ва ишлаб чиқарш интеграциясини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларида иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш сиёсатининг мақсади, вазифалари ва тамойиллари Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали мисолида ёритилган.

**Калит сўзлар:** кадрлар тайёрлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, фан, таълим, ишлаб чиқариш, интеграция, иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш.

**Abstract:** This article describes the regulatory framework for the training of economists, the results, achieved in the learning process, the normative basis of the mechanism for training economists, system development priorities. The goals, objectives and principles of the policy of integrating science, education and production into the training of specialists and the training of economists in higher educational institutions are illustrated by the example of the Andijan branch of Tashkent State Agrarian University.

**Keywords:** training, National curriculum, science, education, production, integration, training of economists.

### Кириш

Бугунги янги Ўзбекистонни қуришда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш долзарб масала қаторида ўз аксини топмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирги давргача ижтимоий соҳа, хусусан олий таълим тизимида алоҳида эътибор билан қаралиб келинмоқда. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юқори малакали иқтисодчи мутахассис кадрлар тайёрлаш учун дустурил амал бўлмоқда. Айниқса, Республикада мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим [1] каби таълим турларида етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг узлуksиз тизими яратилган. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш [2] бўлиб ҳисобланади.

Бу борада юқоридаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Республикада иқтисодчи кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақсинга лойиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизимида олий ҳарбий билим юртларидан ташқари 119 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида 7 та академия, 58 та университетлар ва 5 та олий диний таълим муассасалари ҳамда филиаллари фаолият юритмоқда<sup>1</sup>. Фаолият олиб бораётган 119 та олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йуналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Маълумки, тадқиқотлар шунини кўрсатадики, иқтисодий ўсишнинг асосий омили бу замонавий билимга эга бўлган мутахассис кадрларга боғлиқдир [3]. Бу борада олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак. Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоли оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди. Бундай нотўғри иш тақсимолига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим" [4], деб таъкидлаган эди, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мутахассис кадрлар тайёрлаш доимий долзарб ҳисобланган масала ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур масала барча давлатларнинг ижтимоий ривожланишида ҳал қилиниши зарур бўлган энг асосий масалалари қаторида туради. Хусусан, "Таълим тўғрисида" ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида юқори малакали иқтисодчи мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими акс эттирилган. Шунингдек, мазкур муаммоларни тизимли ҳал қилиш борасида Республикада ҳуқуқий меъёрий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони [5], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-5847-сонли Фармони [6], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2909-сонли қарори [7], 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш

<sup>1</sup> <https://kun.uz/>- <https://stat.uz/>

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори [8] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [9] ги ПҚ-3775-сонли қарорлари иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Бу борада Республика ва хорижнинг етакчи иқтисодчи ва педагог олимлари мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб борганлар. И.Каримов, Л.Перегудов, М.Саидов, Е. Прощецкая, Ў.Толипов, М.Баракаев, Ш.Шарипов, Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев [10, 11, 12, 13, 14] кабилар шулар жумласидандир. Академик С.С.Гуломовнинг “Рақамли қитисодиёт-кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” [15] мавзусидаги, О.Қаххаров томонидан “Худудларда иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш” [16] мавзусидаги, Б.Исамухаммедовнинг “Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш” [17] мавзусидаги илмий мақолалари эълон қилинган. Шу билан бирга И.Мамажоновнинг “Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлаш” [18] ва “Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлаш” [19] мавзусидаги илмий мақолаларида иқтисодчи мутахассис тайёрлашнинг назарий асослари келтирилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур ишда иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг ҳуқуқий –меъёрий асослари, мутахассислар тайёрлаш механизмини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, олий таълим муассасаларида кадрлар сиёсатининг мақсади, вазибалари ва тамойиллари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” га бағишланган “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бўлимида *“узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”* ва *“таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш”* [5] вазибалар қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг “Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” қўйидаги белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади: *мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил*

*қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш [6].*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида “олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш, таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” [7] каби вазифалар қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан “олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги”, каби муаммолар эътироф этилган.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унда, олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш ўртасида интеграция таъминлаш мақсадида *кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни мужассамлаштирувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талабларини бевосита таълим мазмунини шакллантириш билан шуғулланадиган олий таълим муассасалари профиль кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тизимли ўрганиб борилишини ташкил этиш мақсадида стажировкалар жорий қилиш, олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича ҳар бир талабасининг 2-курсдан бошлаб тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини*

таъминлаш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг замонавий илмий лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини кўриш каби вазифалар [8] белгиланган.

Маълумки, Республикада олий таълим тизимини ривожлантириш ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланмоқда. Бу борада олий таълим муассасаларининг шакли ўзгармоқда, уларда моддий-техник баъза кучайтирилмоқда, халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалий ишлар олиб борилмоқда. Бас шундай экан, айтиш пайтда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларида талабаларни энг замонавий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда таълимнинг сифат ва самарадорлигига эътибор бериш асосий масалалардан ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори [8] қабул қилиндики, у юқоридаги саволларга жавоб бера олади.

Юқоридаги ҳуқуқий меърий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда иқтисодчи мутахассис кадрлар тайёрлашда Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бугунги кунда Агрологистика ва бизнес, Ўрмон хўжалиги ва мева-сабзавотчилик, Агробиология ҳамда Ўсимликлар ҳимояси ва агрокимё жами 4 та факультетлари мавжуд бўлиб, жами 19 та кафедраларда 311 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқдалар. Шундан 1 нафари Академик, 15 нафари фан доктори, профессорлар, 115 нафари фан номзодлари, доцентлар, 180 нафари катта-ўқитувчи ва ассистентлардир. Илмий салоҳият 42,1% ни ташкил этади.

Филиалда бакалавриятнинг кундузги 28 та таълим йўналишида 3544 нафар, 8 та сиртки таълим йўналишларида 410 нафар, 7 та магистратура мутахассисликларда 74 нафар магистрлар ҳамда Ўзбек-Беларус қўшма факультетда 40 нафар филиал бўйича жами 4068 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан жами 12 та дарслик, 24 та ўқув қўлланмалар ва 29 та монография чоп этилди. 2019-2020 ўқув йилида 57 дан зиёд вебинар дарслар, 43 дан ортиқ муаммоли маърузалар ташкил этилди.

Филиалда 2019 йилда 1 та фан доктори (DSc), 11 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олган. 2020 йилнинг 1 апрелигача жами 7 нафар, шундан 6 нафар таянч докторантлар ва мустақил изланувчилар, фалсафа доктори (PhD) ва 1 нафар фан доктори (DSc) диссертация илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Хусусан, 2020 йилнинг 6 оyi мобайнида 3 нафар ўқитувчилар иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди.

Филиалда 2019 йилда хорижий давлатлар нашрларида жами 472 та илмий шундан хорижий журналларда 238 та, конференцияларда 234 та, Республика

нашрларида жами 389 та, шундан республика маҳаллий журналларида 192 та, Республика конференцияларида 197 та илмий мақолалар чоп этилди.

Филиал 55 та хорижий олий ўқув юртлари ва фондлар билан халқаро битимлар, аҳдлашув меморандумлари асосида ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 18 та хорижий давлатнинг 37 та етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ҳамда илмий-педагогик фаолият бўйича ҳамкорлик шартномалари тузишга эришилган. Талабаларининг Германия “AZ Germany Consulting”, LOGO, PRAXX компаниялари вакиллари иштирокида ўтказилган танловда 75 нафар 2-3-босқич талабалари, шу жумладан 2 нафар магистрантлар 2020 йилда Германия фермер хўжаликларида амалиётларга юборишга тавсия этилди. Шунингдек, 150 нафар иқтидорли талабалар Германияга амалиёт ўташ учун танлов ғолиби бўлиб, 2020-2021 ўқув йилида амалёт ўташ учун Германиянинг нуфузли фермер хўжаликларига юборилиши режалаштирилган. Ўтган ўқув йилида 33 нафардан зиёд талабалар Германияга амалиёт ўташ учун юборилган.

Филиал Ахборот-Ресурс марказида жами китоб фонди 19850 номда 185652 нусхани ташкил этади. Шундан, таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича дарсликлар 80 188 нусха, ўқув қўлланмалар 19 833 нусха, бадиий адабиётлар 42122 нусхадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3704 сонли қарори [20] га асосан 2019 йилда филиалнинг №7-8 ўқув биноларида 39 млрд. сўмлик реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб 2800 ўринли замонавий ўқув бинолари фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ўқув биноларининг 4420 ни ташкил этади. Қарорнинг қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш параметрларига асосан жами 6 млрд. 266 млн сўмлик 9 та замонавий лабораториялар ҳамда 600 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари (мини трактор, сеялка, сомон пресслагич) олиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси ҳамда Коррупцияга, гиёҳвандликка, одам савдосига қарши курашиш бўйича 40 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган. Шунингдек, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 5 та муҳим ташаббус доирасида 17 та фан тўғараги, 11 та спорт тўғараги, 5 та бадиий-ижодий тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, филиалда “Агрологистика ва бизнес” факультети таркибида “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедрасида “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедрасида 5230100-Иқтисодий (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5420100-Қишлоқ хўжалигида менежмент ва “Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби” кафедраси 5232100-Агробизнес ва инвестицион фаолият таълим йўналишлари бўйича ҳамда “Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида 5430900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 5233100-Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби таълим йўналишлари бўйича иқтисодчи мутахассислар тайёрланмоқда.

ТДАУ Андижон филиалида тайёрланаётган иқтисодчи мутахассислар контингенти<sup>2</sup>

№	Таълим йўналишининг номи	1-босқич			2 босқич			3 босқич			4 босқич			Умумий		
		Жами	грант	Шартнома	Жами	грант	Шартнома	Жами	грант	Шартнома	Жами	грант	Шартнома	Жами	грант	Шартнома
<b>Бакалавриат (кундузги)</b>																
1.	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	0			0			41	6	35	56	4	52	97	10	87
2.	Қишлоқ хўжалигида менежмент	0			0			14	33	111	13	19	120	283	52	131
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	0			0			29	4	25	46	5	41	75	9	66
4.	Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби	47	12	35	33	8	25	0			0			80	20	60
5.	Агробизнес ва инвестицион фаолият	50	12	38	38	11	27	0			0			88	23	65
<b>Бакалавриат (сиртқи)</b>																
1.	Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби	21		21	7		7							28		28

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–4749-сонли қарорига асосан Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида қуйидаги иқтисодий таълим йўналишларда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

2020/2021 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрлари

№	Шифр	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи	2020/2021 ўқув йили учун қабул параметрлари		
			Жами	Шу жумладан	
				грант	контракт
<b>Бакалавриат (кундузги)</b>					
1.	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)	25	5	20
2.	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалиги)	25	5	20
3.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалиги)	50	10	40
4.	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият	50	10	40
5.	5610300	Туризм (агротуризм)	25	5	20
<b>Бакалавриат (сиртқи)</b>					
1.	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)	25	-	25
2.	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалиги)	25	-	25
3.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалиги)	25	-	25
4.	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият	25	-	25

<sup>2</sup> ТДАУ Андижон филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Магистратура					
1.	5A230102	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)	4	1	3
2.	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби	4	1	3
3.	5A232501	Логистика	4	1	3
4.	5A233301	Агробизнес ва инвестицион фаолият	4	1	3

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–4749-сонли қарори. <https://t.me/eduuz/2542>*

Мазкур таълим йўналишларида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида 2-курсдан бошлаб [8] тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, таълим йўналишлари кесимида иқтидорли гуруҳлар шакллантирили, махсус дастурлар асосида ўқитилмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда юқоридаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш асосий малалардан ҳисобланади Бу борада қуйидаги йўналишлар бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, олий таълимда иқтисодчи мутахассислар тайёрлашни ривожлантиришда миллий стратегияни ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, иқтисодчи кадрлар тайёрлашда олий таълим муассасаларининг шаклини, уларда таълим мазмуни (ўқув режа, фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланма)ни тубдан ўргартириш. Таянч ҳисобланган олий таълим муассасалари Республикадаги турдош олий таълим муассасалари билан узвий ва узлуксиз алоқаларини янада ривожлантиришга эришиш.

Учинчидан, бугунги рақамли иқтисодиёт даврида рақамли технологияларни шиддат билан ривожланаётганлигини инобатга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг замон талаблари асосида моддий техника базасини мунтазам ривожлантириб бориш.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларида халқаро ижтимоий – иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнларига жалб қилиш, инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Бешинчидан, тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий камолотига эътиборни қаратиш.

Олтинчидан, бўлғуси иқтисодчи мутахассисларга дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг сонини оптималлаштириш, уларни илмий салоҳиятини ошириш, қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш, дарс жараёнларида рақамли технологиялардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантириб бориш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида жамиятда ҳар тамонлама ривожланган, баркамол, ривожланган демократик давлатлар даражасида рақобатбардош иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизими янада ривожланади ва Республиканинг иқтисодчи мутахассис кадрларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18



2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.
3. И.Мамажанов. Подготовка преподавателей-экономистов в условиях современной рыночной экономики. Вестник Университета Российской академии образования № 3/2011. Ст. 89.
4. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи.2016 йил, 15 декабрь. <https://kun.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
10. И.Каримов. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
11. Перегудов Л., Саидов М. Менежмент и экономика высшего образования. – Т.: Молия, 2001. – 251 с.
12. Прощецкая Е. Выберите профессию. – М.: Просвещение, 2001
13. Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш.С. Касбий педагогика. – Т., 2001.
14. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. - Т. 2002.
15. С.С.Гуломов “Рақамли қитисодиёт-кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” Иқтисодиёт ва илмий инновацион технологиялар илмий электрон журнал. 2020 йил. №1, январь-февраль.
16. О.Қаххаров. “Худудларда иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш”. Иқтисодиёт ва илмий инновацион технологиялар илмий электрон журнал. 2018 йил. №5, сентябрь-октябрь.
17. Б.Исамухаммедов “Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш”. <https://tsue.uz/>
18. И.Г.Мамажанов. Подготовка преподавателей-экономистов в условиях современной рыночной экономики. Вестник университета Российский академи образования.№3/2011. Ст. 89-92
19. И.Мамажонов. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлаш. Аграр соҳани истиқболли ривожлантиришда ресурс тежовчи инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман мақолалар тўплами. Андижон – 2019 йил., 310-314 бетлар.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3704 сонли қарори. <https://lex.uz/>